

4 УНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

СУЛХНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

ҚОҲИРА, 10 август. ТАСС мухбири Ю. Трушин хабар беради:

Кеча Бирлашган Араб Республикасининг информация департаменти чет эл ҳамда Миср журналистлари учун Сувайш ва Порт-Тавриққа сафар уюштирди.

Қарийб барча қарбий ахборотларда шу икки шаҳарнинг номи тез-тез учраб турарди. Снаряд ва авиабомбалар ҳосил қилган чуқурларга қараб Исроил авиациясининг бомбардировки миссия қилганини билиш мумкин. Биз Сувайш шаҳрининг бун-бун қўчаларидан ўтиб борар эканмиз, ўқининг ларни қарийб учратмадик, дала қарбий қиймаларидаги патрулларига қорраҳаларда учрадик. Шаҳарда деворларига снаряд парчаси тегмаган бинога ҳам уй йўқ дейиш мумкин. Каналга қанча яқин келсак, вайроналик шунчалик кучли эди. Дushman Сувайш вайрона шаҳарга айлантиришга интилки. Чунки Сувайш каналда катта савдо-транзит порти бўлишдан ташқари бутун Африкада нефть химияси саноатининг энг катта маркази эди.

Исроил агрессорларининг ташлаган бомбалари ва снарядлари қилмишини қилди — порт тўхтади, Исроил араб мамлакатларига тўсатдан зарба берганида бу ерларда қилиб кетган яқин-яқин келмаганга кўра ташланади. Заводларнинг мурилари тўтунди...

Сувайш губернаторлигининг вакили Мохи Хафата айтдики, Исроил агрессиясига Сувайшда 270 мингдан ошми киши яшаган бўлса, ҳозир салкам 10 минг кишигина бор. Шаҳардаги 8608 уй, 58 черков ва мечит батамом вайрон қилинди, салкам 30 та ўқув юрти қорабоега айланди. Лекин шуларга қарамай Сувайш билан Порт-Тавриқда ҳаёт сўнмаган. Қароқўлланган бу фронт шаҳарларининг деворларида: «Яшасин халқ билан армиянинг жипслиги», «Халқ — революция раҳбаридир» деган шорларни ўқиш мумкин. Ҳаёт тўхтамапти. Мудоффа ва граждон аҳоли ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсаси — озиқ-овқат, газетаси, сув бегитов келтириб турилади.

Сулҳдан сўнг Порт-Тавриқ билан Сувайшда қарор топган жимлик алданди. Автобусларига губернаторлик биносига яқинлашган пайда сирналарнинг «хаво тревожаси» деган гулгуллаган товуши эшитилиб қолди. Канал тепасида Исроилнинг тўртта самолёти пайдо бўлди. БАР ҳаво ҳужумидан мудоффа қисмларининг оқолганлиги оған ўқури эшитилди. Исроил самолётлари шарққа бурилиб, каналнинг нариёғида қойиб бўлди.

Кейинчалик БАРИНГ қарбий вакили Исроил самолётлари разведка мақсадида учиб келганини хабар қилди.

Сулҳнинг биринчи кунлари... Сувайш билан Порт-Тавриқда сокинлик бўлсада, халқ у хавотирли. Сулҳ эълон қилинганидан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясини бақариб хусусида амалий қадам ташламоқчи лозим. Шу қарорнинг бақарилиши — босиб олинган араб территорияларидан Исроилнинг ҳамма қўшинлари олиб чиқиб кетишли ҳамда Исроил Фаластин халқининг ҳуқуқларини эътироф этишига Яқин Шарқда одилона ва мустақкам тинчлигини тиклашга имкон беради.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ПОЙДЕВОРИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг тарихий Потсдам битими тўғрисидаги 25 йиллиги муносабати билан АҚШ Президентига, Франция Президентига ва Буюк Британия Бош вазирларига йўллаган мактуби шу ҳафтада бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Чет эл мактуботи мактубини баён этиб, биринчи ғалда Потсдам битимининг асосий принциплари ҳозир ҳам Европада урушдан кейинги тинч қурилишнинг пойдевори бўлиб келаётганини тўғрисидаги фикрларни таъкидлади. Ана шу принципларнинг амалга оширилиши ҳозирги вақтда Европадаги маълум чегараларнинг, ички-ишқи жаҳон уруши ва урушдан кейинги ривожланиш йўналишида вуқудга келган сиёсий реаллиларнинг бузилмаслигини эътироф қилишни, Европа қитъасида мустақкам хавфсизлигини таъминлашни билдиради. Кўп гафеталар совет мактубидан булганидек ҳозир ҳам давлатлар ва халқларнинг мустақкамлаб бораётган ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги шароитида мустақкам ва узоқ давом этган тинчлигини таъминлаш мумкин, деган фикрга асосланган зарурлиги қўйилганликлари билдирмоқдалар.

Чехословакияда чиқадиган «Прага» газетаси Европадаги сийб ривожланиш Потсдам битими ва унинг қўйтадаги тинчликка асос солган принциплари ҳаётийлигини далил беради, деб ёзди. Данияда «Ланд оф фольк» газетаси Потсдам битими ўз аққулини таъкидлади. Совет халқининг фашизм устидан қозongan уду ғалабаси — деб ёзди Швейцарияда чиқадиган «Нордшвайтц» газетаси, ҳалигача ҳам халқларо вазиата таъсир ўтказиб турган тарихий фактир. Парижда чиқадиган «Юманите» газетаси Совет Иттифонининг Потсдам битими

принципларига содиқлигини, Совет ҳукумати Европа хавфсизлигини мустақкамлаш учун ички кураш олиб бораётганлигини таъкидлади.

Совет Иттифоқи, деб ёзди Ғарбий Германиядаги «Вестфеллиш рундшау» газетаси, Европа хавфсизлиги негизларини мустақкамлаш учун, кенг халқро ҳамкорлигини ривожлантириш ва шу мақсадда ҳал этилмаган аққуал проблемаларни Умумевропа анжуманида муҳокама этиш учун ҳаракат қилаётганлигини А. Н. Косигин таъкидлади.

Дарҳақиқат, қўйтада вуқудга келган вазиат, хавфсизлик ва тинчлигини таъминлаш мақсадини қўйлаб турли давлатларнинг нуқтан назарларини бир-бирига яқинлаштириш йўлининг биргаликда қидириб топилиши қатъий талаб этмоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг Умумевропа кенгашини тайёрлаш тўғрисидаги тақлифи ана шу мақсадга қаратилган. Бу кенгашнинг энг биринчи вазифаси — Европа давлатлари ўртасидаги Узаро муносабатларда Европа хавфсизлигини таъминлаш масаласини қараб чиқишдан иборат.

ИРҚЧИЛАР ВА НАТО

5 август эрталаб Африка жанубидида энг катта қарбий денгиз базаси жойлашган Саймонстаун қўлгидан Атлантика сувига бир гурупа қарбий кемалар чиқарилиди. Бу кемалар қарбий денгиз маҳалларида қатнашади. Шу мақсадда Жанубий Африка Республикасининг кемалари билан бирга Британия флотининг кемалари «Оберон» ва «Кашалот» сув ости кемалари, «Орора» ва «Юриалес» фрегатлари, шунингдек денгиз авиацияси иштирок этади.

Англия ҳукумати Жанубий

Африка ирқчиларига қуроллар қўриқлаб беришни яна бошлаш тўғрисидаги қарорнинг эълон қилган кунининг эртасига-ёқ Преторияда ана шу мақсадларнинг ўзгастирилиши таъкидлади.

Англиянинг Африка қитъаси жанубидидаги сийбати қандай ўзгариб бораётганлигини кузатиб турган кишилар бу фактир ҳақли равишда Лондон ўзининг Форстер режими билан ҳамкорлигини кенгайтириш ниятида эканлигининг яна бир далили деб атади.

Жанубий Африка рейхига Англиядан бошқа давлатлар ҳам умид бўлиб қолганликлари маълум бўлиб қолди. Кейинги вақтларда Америка Қўшма Штатларида, Ғарбий Германияда ва Шимолий Атлантика блокнинг бошқа мамлакатларида Жанубий Африка Республикасини ирқчилар билан алоқани мустақкамлашга қизиқиш аниқ кутайди. Ғарбдаги империалистик доиралар Претория режими билан ошкора ҳамкорлик қилиб, бундан Африкадаги ўз мафлаатларини сақлаб қолтириш муйайн нафратли деб билмоқдалар.

НАТО давлатларининг бу муқаллари ирқчиларнинг режаларига ҳам мос бўлиб туримоқда. Кейинги вақтда Преториядаги НАТОга аъзо бўлиб кириш нияти тўғрисида тобора тез-тез гапира бошлаганликлари тасодиқий бир ҳол эмас. Лондонда чиқадиган «Дейли мейл» газетаси аққидан бундан деб ёзди: Ана шу мақсади рўйбоя чиқариш йўлида Претория ўзининг қуролли кучларини Шимолий Атлантика блок қўмондонлигига бўйсундиришга, НАТО қўшинларининг бир қисmini Жанубий Африка Республикасини территориясида жойлаштиришга ҳамда Саймонстаундаги базани ва Жанубий Африканинг бошқа портларини НАТО қарбий-денгиз қучлари иштироғида бериб қўйишга тайёр бўлиб туриди.

Бунинг эвазига ирқчилар ўзларини НАТО системасига қўйишни ва «Жанубий Африка Республикасини қўллаган ҳар қандай ҳужум» НАТО мамлакатларига қилинган ҳужум деб қаралади, деган таъкид берилишини талаб қилмоқдалар.

ИСПАНИЯ: РЕПРЕССИЯЛАР ЁРДАМ БЕРМАЁТИР

Расмий таққидларга ва шафқатсиз репрессияларга қарамай, кейинги вақтларда Испанияда яна забастовкалар авж олиб кетди. Мадрид депозитнинг ҳодимлари икки марта иш ташлади. Пошта автобусларининг ҳайдовчилари ҳам улар билан бирдамлик билдириб иш тўхтади. Ёни ўз раишларининг шахар кўчаларида имиллаб қайлаб юришлар. Бир қанча шаҳарларда бинокорлар иш ташлади. Астурия қончилари, Барселона портининг ишчилари стаюна эълон қилди. Астурия вилоятининг бир ўзида кейинги олти ой мобайнида ўтказилган 96 та забастовкада 120 минг киши қатнашганлиги аққидан маълум бўлди.

Гарчи Испаниядан одатда жуда оз хабар олишса ҳам, лекин ана шу фактларнинг ёни испан меҳнатчиларининг ўз ҳаётий ҳуқуқлари ва манфаатлари учун ҳозир олиб бораётган курашининг миёси бўлганлиги тасаввур бера олади. Меҳнатчиларнинг аққоли ёмонлашганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг, коммунал хизмат, транспорт, почта ва бошқа хизматларнинг нархи ошганлиги латиксидан ана шу кураш қўйлаб бормоқда.

Маъмурият Гренадининг иш ташлаган бинокорлардан ваҳишона ўч олиб, уч кишини ўлдирганлиги ва бир неча ўн ишчини ярадор қилганлиги мамлакатда қаҳр-забани авж ол-

дириб юборди. Лекин шафқатсиз репрессиялар иш ташловчиларнинг жанговар рўқини бўшатира олмади. Полициянинг жабр-зулмита жавабон бинокорлар ялли иш ташлаш эълон қилди. Севилья, Барселона, Хихон ва бошқа шаҳарларнинг меҳнатчилари улар билан бирдамлик наминасини кучайтирдилар. Минтилар, шикетлар уюштирилётганлиги, варақлар тарқатилётганлиги ва иш ташлаган бинокорлар учун маблаг тўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар келиб турибди. Ишчиларнинг отиб ташлашга қарши норозилик қозонган биргаликда ҳаракат программасини ишлаб чиқмоқ учун «ишчи комитетлари» (яшрини насаба союзлари) раҳбарлари Мадрид аққидан тўлалишган эди. Маъмурият уларга ташлаш 30 кишини қамоққа олди.

Испания Коммунист партияси Гренададаги қонли ўч олишга ва ишчиларнинг раҳбарлари қамоққа олиналганлиги қарши кескин норозилик билдириди. Жаҳон насаба союзлари федерацияси, Совет Иттифоқи ва бошқа қўшма мамлакатларнинг насаба союзлари Гренададаги жиноят айбдорларини жазаолашга ҳамда қамоққа олишга ишчилар ва насаба союз активларини дарҳол бўшатиб юбориш талаб қилди.

Кўти ўчган маъмурият меҳнатчиларнинг одилона талабларига ва аққолининг кенг қатламлари орасида Франко режимида қаршилини кучайиб бораётганлигига жавабон репрессияларнинг давом эттирмоқда. Ёнироқ, қонли террор мамлакатдаги социал-сиёсий тақлиги тағин ҳам кучайтириб юбормоқда, холос. «Отинималар ва қамаллар йўли билан ишчилар синфига берилаётган ҳар бир зарба ҳозир, — деб ёзди «Юманите» газетаси, — тобора кўп сонли забастовкалар, намоишлар, йилгишларнинг аққидан келганлиги, фашистлар режими иқидили билан қоралашга олиб келмоқда.

И. ЛАПЧНИК, Г. СКОБЕЛЕВ, (ТАСС).

ЯҚИН ШАРҚДА МУСТАҚКАМ ТИНЧЛИК БЎЛСИН

АҚШ АФРИКАДАГИ ИРҚЧИЛАРГА ЭЪР БЕРИБ ҲОМИИЛИК ҚИЛМОҚДА

ИСПАНИЯДА МЕХНАТКАШЛАР НОРОЗИЛИГИ КУЧАЙИБ КЕТДИ.

НЬЮ-ЙОРКДА УЧРАШУВЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 10 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари У Тан шу учрашувлардан кейин мухбирларга айтдики, Г. Янинг томонларининг вакиллари билан процедура масалалари хусусида, яъни тинчлик тўғрисида олиб бориладиган музокаралар ўтказилмаган жой, унинг вақти ва унда қатнашувчи вакиллар даражаси хусусида «интенсив алоқа ва мунозараларга киришмоқда», деди.


ТУРК ЛИРАСИ ДЕВАЛЬВАЦИЯ ҚИЛИНДИ

АНҚАРА, 10 август. (ТАСС). Туркия ҳукумати кеча турк лираси девальвация қилинганлигини эълон этди.

ИСРОИЛ АВИАЦИЯСИНING ҲУЖУМИ

БАЭРУТ, 10 август. (ТАСС). Исроил авиацияси кеча Ливаннинг жанубий райони — Хасбайга бир неча бор ҳужум қилиб, Кифор Шуба, Шеба ва Айн Жирфа қишлоқлари атрофини бомбардировка қилди. Ливан қарбий қўмондонлиги вакилининг хабар

қилишича, ана шу ҳужумлар натижасида экинчиларга зарар етказилди. Хасбай шаҳрининг электр таъминоти издан чиқди. Ливан армиясининг зенит артиллерияси Исроил самолётларига қарата ўт очди, деб таъкидланади ахборотда.



Канада меҳнатнашлари монополиялар ҳурумига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Бу ерда сўнгги йиллар ичида иш ташлашлар айниқса авж олиб кетди. Сўрада: ишчилар пойтахт газетаси «Оттава синтизи» редакцияси биносини ўраб олишмоқда.

В. Никитин фотоси. (ТАСС).

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДАГИ ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

КАРЧИ, 10 август. (ТАСС). Покистон президенти Яҳёон раислигида Даккада ҳукуматнинг мажлиси бўлиб ўтди. Шу мажлисда Шарқий Покистондаги сув тошқини билан кураш ва зарар қўйганларга ёрдам бериш чоралари муҳокама қилинди. Белгиланган таъбирларига амалга ошириш учун бир неча министрлар иборат мажлис қўмитет тўзланди.

АПШ агентлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, тошқиннинг етказган зарар тахминан бир миллиард руپийга боради, деб ҳисобланмоқдалар. Шу районнинг асосий қишлоқ хўжалик экинчи-шоли қосқилининг кўп қисми ноқуд бўлган. Кўп ёмғир ёққанлиги натижасида дареларнинг суви қирқондан топиб чиқиб 160 квадрат миладан ортиқ майдонга ёйилган. 10 миллионга яқин киши зарар кўрган, аялганча одам улган. Юз мингдан ортиқ уй-йой биноси ва иморатлар батамом вайрон бўлган, беш юз мингдан ортиқ уй қаттиқ зарарланган. Шарқий Покистон пойтахти билан айрим районлар ўртасидаги темир йўл ва тош йўл алоқаси издан чиққан. Тошқиндан зарар кўрган бир қанча жойларда вабо эпидемияси тарқалган. Шарқий Покистон дареларидаги сувнинг сатҳи тобора қўтарилиб бормоқда.

ПАРАГВАЙДА ҚАМАЛ ҲОЛАТИ

ГАВАНА, 10 август. (ТАСС). Парагвайдан олинган хабарларга қараганда, мамлакат пойтахти — Асунсьон шаҳрида, шунингдек Аргентина ва Бразилия билан чегараловчи Итапуа, Альто-Параи ва Сентраль департаментларида тўқсон кишилик муҳлат билан наам ҳолати жорий этилди. Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, бу чора «қўнрувчилик фаолиятига қарши кураш баҳонаси билан қўрилди».

Альфредо Стресснернинг диктаторлик режими мамлакатнинг прогрессива қучлари қарши репрессияни кучайтириб, уларни босқинчилик умид қилмоқда. Террор биринчи ғалда коммунистлар билан демократларга қарши қаратилган. Шоқиларнинг аққидан гапира қараганда, Парагвай мула катта қамон лагерига айлантирилган, турмалар режик душманлари билан тўлиб кетган. Полицияга «шубҳали» кишиларни қўшма-қўшма ишчиларнинг ўзида қамоққа олиш ва ўлдирш ҳуқуқини бериб қўйилган. Парагвайда сиёсий вақилар билан одам ўлдирш ва қийнаш қўндалган ҳолида бўлиб қолди.

Лекин репрессияларга қарамай ватанпарварлар ва демократларнинг кураши кучайиб бормоқда.

И. ЛАПЧНИК, Г. СКОБЕЛЕВ, (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 18.25 — Программа. Рус тилида: 18.30 — Кинофильм, 18.40 — Хайр, боғчақон, 19.05 — Халқ талантлари концерти, 19.45 — «АХБОРОТ», 20.30 — МОСКВА. 20.05 — Янгиликлар, 20.10 — Спектакль, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — «Моҳир йўллар», 21.30 — Нигим-теринг аякча (репортаж), 22.00 — «Очилган кўриқ» (3-серия), 23.30 — «ВАКТ».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 18.25 — Программа. Рус тилида: 18.30 — Кинофильм, 18.45 — Инсон ва қону, 19.15 — Концерт, 20.05 — «АХБОРОТ», 20.30 — Шейхит муҳлисари, 20.15 — «ВШЛИК» студияси кўрсатади, 20.55 — Концерт, 21.35 — «Порт-латинган дўзах» (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 20.00 — Бадий фильм, 21.05 — Арфа каваретти концерти, 21.35 — Телефильм, 21.50 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/VIII да Қорсар, 13/VIII да Тубадуур.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/VIII да Парвона, 13/VIII да Олтин девор.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Гул ва тош — «ЧАНКА», «СПУТНИК». НАВОНИ НОМЛИ, «МОСКВА». ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ (иундуз ва кечкурун).

Иккитира — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (иундуз ва кечкурун). Жиниотпор дунё профессори — «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ЙИЛЛИГИ (иундуз ва кечкурун).

ЭЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 ва 10.40 минутада бошланади).

Гул ва тош — «ФЕСТИВАЛЬ», Баҳор суварли — «ХИВА», Жиниотпор дунё профессори — «РАКЕТА».

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ВАҚИФИ ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ички ваққинаси лабораторияси мудири ва ваққина шатимлари генетикаси лабораторияси кички илмий ходимлари

вақант вазифарлига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 93-уй.

Ўзбекистон ССР қарлар жамияти

ТОШКЕНТ ШАҲАР 1-ҚУВ-ШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

тинувчилар, мебельчи-ду-радорлар, тўқиш ва тинув машиналари механикларига ҳамда тўнучилик наслбларига ўқитиш учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-2 йил. Арзилар — 25 августга қабул қилинади.

Маъшулотлар — 1 сентябрда бошланади.

16 дан 35 ёшгача бўлиб эшитиш ёни гапиришда камчилиги эга бўлган, ёни туғилганидан бошлаб нар, сонолар қабул қилинади.

Маълум муддатда ишлаб кирақини иш стажига эга бўлганлар учунги гурупа инваллиди бўлича уқибод пенсия билан таъминланадилар.

Ўтоққонда катта ёилдаги қарлар ўз умум таълим даражасининг махсус кечки маблагда олириш мумкин.

Уқувчиларга 25 сўм ҳақинида сипендия тўлағиди ҳамда ишлаган меҳнат ҳақи 100% берилади.

Механиклар группасида сипендия 60 сўм.

Илига икки марта махсус кийим ва пойфалар берилади. Лозим бўлганларга бепул ётоқхона берилади.

Қирувчилар: комбинат директори номига аққидан ари-а, 2 дана фотосурат (3Х4), турар жойдан, доғдордан қарлиги даражаси қанчаллиги справкаларни топширадилар.

Паспорт ёни туғилганлиги қанчаллиги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чиланзор-Маъмур кўчаси (7-тролейбуснинг «Чуқурсой» бекети).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 33.65.45. Редактор ўринбосарлари — 33.79.14, 33.93.23. Маъсул секретарь — 33.44.55, Маъсул секретарь ўринбосарлари — 33.72.93, Партия турмуши — 33.34.69, 33.72.21, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 33.14.55. Халқаро ҳаёт — 33.72.21. Саноат, напшлат курилиш ва транспорт — 33.72.01. Совет курилиши — 33.33.58. Кишлоқ хўжалиги — 33.76.04, Албйиб ва санъат — 33.20.36, 33.21.16, Фан маънаб ва олий ўқув юртилари — 33.44.51. Махаллий ахборот ва спорт — 33.24.47. Ошмавий ишлар ва ҳаёт — 33.86.79, 33.33.53. Иллюстрация — 33.45.24. Стенография — 33.73.43. Коррентура — 33.71.62. Ёллонлар — 33.81.42. Коммутатор — 33.92.49, 33.92.50, 33.92.51, 33.92.52, 33.92.53, 33.92.54, 33.92.55. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48-85. Бухоро — 31-42. Қарши — 38-42, Нукус — 42-62. Самарқанд — 31-972. Термиз — 23-27. Урганч — 34-55, Гулистон — 22-09.